



Шеробод тумани

2023 й

май

■-сонли иш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Шеробод туманлараро иқтисодий суди судья У.У.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Турдимуродовнинг котиблигида, даъвогар вакили ■■■■■ (22.05.2023 йилдаги 01-20/314-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида, ■■■■■ даъвогар "■■■■■" акциядорлик жамиятининг манфаатида, жавобгар "■■■■■" ■■■■■ дан ■■■■■ сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Шеробод туманлараро иқтисодий судининг маъмурий биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

■■■■■ (бундан буён матнда даъвогар ёки тайёрловчи деб юритилади) манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ■■■■■ (бундан буён матнда жавобгар ёки хўжалик деб юритилади)дан ■■■■■ сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Суд мажлиси ўтказиладиган вақт, жой ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган ■■■■■

■ хамда жавобгар вакиллари суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаганлиги, шунингдек Палата ишни вакилининг иштирокисиз кўриб чиқиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганлиги сабабли, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда "ИПК" деб юритилади) 127,128,170-моддаларига асосан иқтисодий ишни уларнинг иштирокисиз (йўқлигида) кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили А.Абдиназаров ўзининг суддаги кўрсатувида даъво талабларини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг кўрсатувини тинглаб, ишдаги мавжуд ва судга тақдим қилинган далилларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида ■■■■■ йил ■■■■■ да ■■■■■-сонли ■■■■■ шартномаси

тузилган бўлиб, ушбу шартномага асосан “тайёрловчи”
“ ” “хўжалик”
ни сотиш
мажбуриятини, “хўжалик” эса “тайёрловчи”га ушбу шартноманинг
1.2-бандида курсатилган товар-буғдойни сотиш мажбуриятини олган.

Мазкур шартноманинг 2.2-бандига мувофиқ, “хўжалик” шартномада
белгиланган тартибда ва мизда уруғликни “тайёрловчи”дан қабул
қилиб олиш ва ундан мақсаддан фойдаланиш; “тайёрловчи”дан олган
уруғлик ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўлаш
мажбуриятларини зиммасига олган;

-ушбу шартноманинг 3.3-бандига кўра, “хўжалик” уруғлик
қийматининг 30 фоизини олдиндан, қолган 70 фоизини уруғликни олган
пайтдан бошлаб 60 кундан () йил ()дан) кечиктирмасдан тўлаб
беради.

Даъвогар шартнома шартларига асосан сўмлик уруғлик
буғдойни йил даги -сонли ҳисобварақ-фактурага
асосан жавобгарга топширган бўлса-да, жавобгар томонидан
йилга қадар шартномавий мажбуриятлар лозим даражада
бажарилмасдан, қабул қилинган уруғлик буғдой маҳсулоти ҳисобидан
сўм тўлаб берилмаган. Шу сабабли тарафлар ўртасида ушбу низо
келиб чиққан.

Даъвогар томонидан жавобгарга қарзни тўлаш тўғрисида йил
кунда юборилган -сонли огоҳлантириш хати
жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига
кўра мажбурият мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ
лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу кодексининг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган
тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида
ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 386-моддасига
асосан, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа
тараф (харидор)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, харидор эса бу
товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни
тўлаш мажбуриятини олади.

Даъвогар билан жавобгар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар юзасидан
йил ҳолатига расмийлаштирилган солиштирма
далолатномага кўра, жавобгарнинг даъвогардан сўм
қарздорлиги аниқланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, томонидан низони судгача ҳал
қилиш мақсадида кўрилган чоралар натижасиз яқунланган.

Жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади ва улар томонидан
тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи далиллар судга тақдим
этилмади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Жавобгарнинг даъвогардан даъво аризасида курсатилган суммада асосий қарзи мавжудлиги факти: даъвогар вакилининг суддаги кўрсатувидан ташқари, даъво аризасига илова қилинган тарафлар ўртасида тузилган шартнома, шартнома, юк хати, ҳисобварақ-фактура, огоҳлантириш хати ва бошқалар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Юқоридагиларга асосан суд, даъво аризасини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига [REDACTED] сўм асосий қарзни ундиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг 1-қисмига кўра суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Шунга кўра, даъво аризаси қаноатлантирилиши муносабати билан суд ҳаражатлари жавобгар зиммасига юкланиши лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236,333,386-моддалари, Иқтисодий процессуал кодексининг 68,118,176-179,186-моддаларига асосланиб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] га [REDACTED] сўм асосий қарз ва [REDACTED] сўм почта ҳаражати ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан Республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига [REDACTED] сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори бир ой муддат ўтиб қонуний кучга кирази, ҳал қилув қарори устидан Сурхондарё вилоят судига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар апелляция тартибида Шеробод туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят (протест) билдириш мумкин.

Судья

У.У.Тожиев